





## Энг яхшилар эътироф қилинди



**Хоразм вилояти Ёшлар марказида болаларни эътироф қилиш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг анжумани ўтказилди.**

Унда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Даврон Аллақулиев мавсум якунлари хусусида ахборот бериб, ўтган йилларда бошланган янгича ёндашув асосида тизимли ишлар янада кучайтирилганини таъкидлади. Дастлаб, жорий йил ёз мавсумида вилоят ҳудудидаги 31 та оромгоҳда 11240 нафар болани дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган эди. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 7-14 ёшдаги болалар қамрови 10 фоизга ошди. Натижда 37 та оромгоҳ ташкил қилиниб, уларда мавсум давомида 15398 нафар бола дам олдирилди.

Оромгоҳларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар болаларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 4200 нафардан ортиқ бола жамоа шартномалари ва келишувлари орқали, вилоят ва вилоят-

дан ташқаридаги оромгоҳларда марикиб дам олди.

Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус оромгоҳлар фаолияти учун дастуриламал бўлди. Барчасида турли тўғарақлар, кутубхона, компьютер хоналари фаолияти, спорт машғулоти йўлга қўйилди. Қизларга касб-хунур ўргатиш мақсадида тикувчилик, тўқувчилик машғулоти олиб борилди. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шiori остида маданий-маърифий кечалар ва учрашувлар, концерт дастурлари, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди.

Болаларга таълим-тарбия бериш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида оромгоҳларга 450 нафардан ортиқ педагог, 70 нафардан ортиқ ички ишлар идоралари ходимлари жалб этилди.

Вилоят мувофиқлаштириш кенгаши томонидан мавсум давомида самарали фаолият кўрсатган оромгоҳлар, мутасаддилар ва мутахассисларни муносиб тақдирлаш мақсадида турли танлов ва номинациялар эълон қилинган эди.

Тадбирда «Энг ғамхўр ҳомий» номинацияси соҳиби Атаназар Жуманиёвнинг номи алоҳида эътироф қилинди. 89 ёшли отахон ўз пенсиясидан жамғарган 10 миллион сўм пулни болаларни эътироф қилиш учун сарфлади. Яқинда Аллоҳга омонатини топширган Атаназар отанинг яхшилиги барча учун ибрат бўлганлиги, бундай ҳалол, олийҳиммат инсонлар ёди қалбларда доим яшаши таъкидланди. Унга аталган совғани ўғли Умирбек Жуманиязов қабул қилиб олди.

Тадбир сўнггида кўрик-танлов ғолиблари ва оромгоҳлар ҳамда номинациялар совриндорлари диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Муҳаббат Тўрабоева,  
«ISHONCH»



**Жиззах вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги қақрилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш Марказида бирлашган касба уюшма кўмитасини ташкил этиш бўйича конференция бўлиб ўтди.**

Конференция

## Кўмита фаолиятини бошлади

Унда кўмита таркиби, аъзолари ва раисини сайлаш ҳамда ташкилотни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси таркибига киритиш масалалари муҳокама қилиниб, бор овоздан тасдиқланди.

– Бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси этиб Равшан Жумабоев сайланди, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Алишер Каримов. – Ўйлаймики, бундан буён мазкур ташкилотда ишловчи қарийб 50 нафар ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бошланғич ташкилот томонидан муҳофаза этилади.

Саёҳат

## Фахрийлар Самарқандда

**Жиззах вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 50 нафар меҳнат фахрийларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.**

Дастлаб Имом ал-Бухорий мажмуасидан бошланган зиёрат Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Шохизинда каби манзиллар сари йўналди. Фахрийлар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов мангу кўним топан Ҳазрати Ҳизр зиёратгоҳи, Улугбек расадхонаси ва Ҳазрати Дониёр зиёратгоҳида ҳам бўлишди, бугунги тинчлик ва фаровонлик учун шукроналар келтириб, келгуси ҳаётимизнинг янада гўзал бўлишига тилаклар билдиришди.

– Самарқандга саёҳат давомида она диёримизнинг шонли тарихи билан янада яқиндан танишдим, – дейди меҳнат фахрийси Венера Ибрагимова. – Аждодларимиз бунёд этган тарихий обидаларни кўриб, қалбимда фахр-ифтихор туйғулари жўшди. Шундай тарихга ворис бўлган юртимиз қудратига кўз тегмасин...

Муқимбой Исмоилов,  
«ISHONCH»

Семинар-тренинг

**ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Бюроси техник кўмагида «Касба уюшмалари ўқитувчиларини тайёрлаш» II лойиҳаси доирасидаги дастлабки семинар-тренинг машғулоти бошланди.**

## Касба уюшма ўқитувчилари тайёрланади

Семинарда тармоқ касба уюшмалари, ҳудудий бирлашмалар ва Касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бўлимлари томонидан мазкур лойиҳада иштирок этиш учун тавсия этилган 63 нафар номзод орасидан сўхбат асосида саралаб олинган 30 нафар ходим иштирок этмоқда.

– Лойиҳанинг мақсади – касба уюшма ходимлари орасидан амалий ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш маҳоратига эга бўлган, машғулотларда таълимнинг энг замонавий ва янги усул ҳамда шаклларида фойдалана оладиган ўқитувчи-тренерларни тайёрлашдан иборат, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Лазоқат Турикова. – Оддий ўқувлардан тубдан фарқ қилувчи ушбу семинар ходимлар ва иш берувчилар билан ўзаро мулоқотни тўғри йўлга қўйиш, касба уюшмалари тизими тўғрисида билим ва ўқинма-ларни ошириш ва уни келгусида бошқаларга тушунтиришда, шунингдек, иштирокчиларнинг келгусида кучли кадр бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳанинг ўқув дастурига кўра, семинар-тренинг ўқувчилари ҳафта давомида ўзаро танишув, семинарнинг мақсад ва вазифалари, белгиланган мақсадга эришиш усуллари, замонавий касба уюшмаси фаолиятининг асосий вазифаси, тамойиллари ва йўналишлари, ижтимоий ҳамкорлик орқали меҳнат муаммоларини ҳал қилиш, самарали бошқарув, касба уюшмаси тузилиши, касба уюшмаси таълимнинг замонавий шартлари, асосий тамойиллари, вазифалари, ушбу таълимнинг хусусиятлари, мотивацияси ва тамойиллари, гуруҳ машғулоти ва унинг касба уюшма фаолиятига алоқадорлиги, гуруҳ ривожланиш босқичлари, идеал ўқитувчи – афсона ва ҳақиқат, ўқитиш методологиясининг моҳияти ҳамда асосий таркибий қисмлари, касба уюшмаси ўқитувчисининг сифатлари, билими, маҳорати каби мавзуларда билимларини ошириш имконига эга бўлишди. Шунингдек, семинар қатнашчиларининг ихтисослиги бўйича келгуси семинар мавзулари аниқланди, яқиний хулосалар чиқарилади.

– Касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу ўқув курси касба уюшмасига оид билимларимизни ошириш, соҳага оид қонунчилик талабларини касба уюшмаси аъзолари ва халққа тўғри етказадиган кадрлар бўлишимизда пойдевор вазифасини ўтайди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мақсад Зоҳидов. – Жамоа бўлиб ишлаш, меҳнат соҳасидаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро тажрибаларни ўрганиш келгусидаги иш фаолиятимизда асқотади.

Ўқув машғулоти Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти, касба уюшмалари ўқитувчиси, Молдова касба уюшмалари миллий конфедерацияси вакили Дорин Суручану модераторлигида ўтказилмоқда.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ,  
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

## Улар эъзозга муносиб



**Гулистон шаҳридаги 11-сонли умумтаълим мактабида «Устозлар – касба уюшмалари эъзозиди» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Унда 18 та умумтаълим мактабининг бошланғич ташкилотларида фаолият юритаётган касба уюшмаси кўмитаси раислари иштирок этди.

Танлов 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббий-

лар куни олдидан, шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилди.

Танлов низомига кўра, иштирокчилар камидан 10 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлиши,

бошқаларга намуна кўрсатиши, мактаб жамоаси касбақўм раиси сифатида етакчилик қобилиятига эга бўлиши лозим.

Иштирокчиларнинг ишлари ана шундай талабларга жавоб бериши, меҳнат фаолияти, жамоатчилик орасидаги ўрни ёзма ва савол-жавоб асосида, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, фаолиятини тарғибот-ташвиқот қилиш соҳаларида амалга оширган ишлари меъёрий ҳужжатлар асосида баҳоланди.

Яқиний натижаларга кўра, 1-ўрин Гулистон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби касба уюшма кўмитаси раиси Камола Ўрибоевага насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга 3-умумтаълим мактаби касба уюшма кўмитаси раиси Гулчехра Тағаева ва 6-умумтаълим мактаби касба уюшма кўмитаси раиси Ҳамида Холдавлатовалар муносиб деб топилди.

Фарҳод ТАШТАНОВ,  
Таълим, фан ва маданият  
ходимлари касба уюшмаси  
Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Тадбир



дан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси етакчи ҳисобчиси, касба уюшма кўмитаси раиси Сайёра Дўсमतова ўз фикрларини билдирди.

Тадбир доирасида меҳнат муҳофазасига бағишланган видеоролик намойиш этилди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетиди Чилонзор туманидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари, бошланғич касба уюшма ташкилотлари раислари учун семинар ўтказилди. Унда идоралараро ишчи гуруҳ аъзолари, ҳамкор ташкилотлар, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.**

## Ойлик доирасида

Семинарда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси тизимидаги ташкилотларда иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шартларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Иш берувчи ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва

хавфсиз меҳнат шартларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган «Меҳнат муҳофазаси» ойлиги доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда охириги 5 йиллик фаолият таҳлил қилиниб, 117 та бахтсиз ҳодисанинг 30 таси айнан шу соҳа ходимлари ўртасида руй бергани айтиб ўтилди. Соҳа ходимлари учун хавфсиз меҳнат шартларини яратиш мақсадида амалга оширилаётган чоралар хусусида сўз борди.

Бектемир тумани ободонлаштириш бошқармаси меҳнат муҳофазаси хизмати муҳандиси Муносабатхон Муҳаммедова «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида» қонун талабларининг бажарилиши юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида айтиб ўтди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги усти-

дан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси етакчи ҳисобчиси, касба уюшма кўмитаси раиси Сайёра Дўсमतова ўз фикрларини билдирди.

Тадбир доирасида меҳнат муҳофазасига бағишланган видеоролик намойиш этилди.

## Пахта теримида қўл меҳнатидан қачон воз кечилади?

**Олтин куз. Ҳосил йиғим-терим даври. Айниқса, «оқ олтин». Бугунги техниклар асрида биз уни йиғиб олишда аксарият ҳолларда қўл теримига асосланялмиз. Пахтани қачон машинада теримиз? Соҳада қандай янгиликлар бор?**

ЕТТИ ФОИЗЛИК ҲИССА

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Қодир Исмоиловнинг айтишича, мамлакатимизда ғалани 20 кунда йиғиб-териб олиш учун техник имкониятлар етарли. Мисол учун, республика миқёсида ғалани йиғиб олишда соҳа мутахассислари қўлида 125 фоиз техник жиҳозлар мавжуд. Аммо пахта ҳосилини йиғиб олишда бундай кўрсаткичга эга эмасмиз. Айни пайтда бу йил янги сотиб олинган машиналарнинг ҳиссасини ҳам ҳисобга олганда пахтанинг 7 фоизгина пахта териш машиналари орқали териб олинади. Келгуси йил эса бу кўрсаткич 12 фоизга, 2025 йилга бориб 35 фоизга етказилиши кўзда тутилган.

– Илгари пахта толаси асосан хорижда экспорт қилинган, – дейди мутахассис. – Пахта ҳосилини йиғишда техник жиҳозларни кўрсаткичи эса паст бўлиб, шу сабаб у сифатли бўлиши учун қўлда терилган. Бу экспорт жараёнида нарх ошишига хизмат қилган. Эндиликда пахтани ўзимиз қайта ишлаб, маҳсулот ҳолига келтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ташкил этилаётган кластерлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

ИМТИЁЗЛАР ЗАРУР

Юқорида тилга олинган ҳар бир техника фермер, деҳқон ёки кластер дала-ларига ўзидан ўзи бориб қолмайди. Улар

кредит, нақд, пул ўтказиш ёки лизинг асосида сотиб олиниши керак. Аммо битта пахта териш машинасининг нархи тахминан 400 миллион сўм, ишлов берувчи ёки экин экиш ва ҳосил йиғиш билан боғлиқ вазифаларни бажарадиган тракторларнинг нархи тахминан 200-205 сўм миллион атрофида баҳоланмоқда. Аввало, қишлоқ хўжалиги механизациялашуви учун маҳсулот етиштирувчилар ана шу миқдордаги маблағга техника сотиб олиши лозим. Бунинг учун эса уларга кредит берувчи банклар ва давлат бюджети ҳисобидан республикада ишлаб чиқарилган барча турдаги тракторлар, ғалла ва пахта сеялалари, шунингдек, уч ёки ундан ортиқ ооч корпусларини харид қилиш учун 10 фоизлик бошланғич тўлов харажатлари, техника нархининг 15 фоиз миқдоридида субсидиялар, жами бир техника учун иккита имтиёз жорий этилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, бу

чоралар деҳқон ва фермерларга яхши қўлайлик яратади.

БУТКУЛ ЭМАС...

Мавзуга оид маълумотлар билан танишиш асосида «Пахта теримида қўл меҳнатидан қачон воз кечилади?» деган савол туғилади.

– Пахта теришда хорижий давлатлар ҳам қўл меҳнатидан воз кечгани йўқ, – деди Қодир Исмоилов. – Бида ҳам шундай бўлиб қолиши, шубҳасиз. Чунки уруғликка экилган пахта навларига шикаст етмаслиги учун у барча мамлакатларда қўлда териб олинади. Мамлакатимизда экилган пахтанинг 30 фоизи уруғлик учун экилганини инобатга олсак, у бундан кейин ҳам қўлда териб олинади. Қолган 70 фоиз пахтани эса 2030 йилларга бориб тўлиқ техника орқали йиғиштириб олиш мумкин.

Зебо НАМАЗОВА,  
«ISHONCH»

Таҳлил

Муаммога ечим бор

# Ижтимоий буюртма ижроси нима беради?

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Хоразм вилояти бўлими томонидан Хива ва Қўшқўпир туманлари аҳолисининг соғлиғини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, аёллар ва болалар орасида онкологик касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган ижтимоий буюртма лойиҳаси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу лойиҳанинг аҳамияти нимада? Унинг амалга оширилиши мазкур икки туман аҳолиси ҳаётида қандай роль ўйнаши мумкин?

Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин, айрим рақамларни тилга олсак. **Маълумотларга кўра, касалмандлик интенсиас кўрсаткичи 2017 йилда 336,9 дан 2018 йилда 316,4 га тушган. Бу ҳолат ҳисобда турган онкологик касалликларнинг мутлақ кўрсаткичлари қамайиши билан боғлиқ. Бир йиллик ўлим кўрсаткичи пасайиши ва 5 йиллик яшаш кўрсаткичининг 2017 йилга нисбатан 2,1 фоизга ошиши, ўз-ўзидан аниқлашдики, эрта босқичларда аниқланган беморлар сонининг кўпайиши ва янги татиқ қилинган даволаш усуллари самараси саналади.** Бирок, кутилаётган натижага эришиш учун ҳали кўп тер тўкишга тўғри келади. «Биз уч кишимиз, табиб, бемор ва касаллик, табиб ва бемор бирлашганига касалликни енгади», деган эди тиббиёт илмининг сулони. Онкологик касалликларни давлат учун эрта босқичларда аниқлаш лозим. Бу эса аҳолининг онкологик ҳушёрлигини ошириш чораларини янада кучайтиришни тақозо қилади. Бунда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг беминнат ёрдамига эҳтиёж катта. Узоқ йиллар вилоят онкология диспансерида бош шифокор лавозимига фаолият кўрсатган, эндиликда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси вилоят бўлимига раҳбарлик қилаётган Светлана Полвонованинг айтишича, ўсма касалликларни профилактикаси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ассоциация вилоят врачларини қўллаб-қувватлаш баро-

ларида онкологик касалликларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида қатор чоралар кўрилмақда. Жумладан, 2017 йилда вилоят бўлимининг «Соғлом атроф-муҳит, юқори санитария маданияти, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш – соғлом аҳоли қафолати» лойиҳаси Олий Мажлис ҳузуридаги фонд грантига сазовор бўлган эди. Бу сафар ассоциация онкологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар қўлимини янада кенгайтиришга қарор қилди.

## Ижтимоий буюртма учун ажратилган маблағ ҳам шунга яраша – 400 миллион сўм.

– Президентимизнинг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чораларини тўғрисида» эълон қарорида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, оммавий спортни тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича оммавий тадбирлар ўтказишни таъминлаш кўрсатилган, – дейди ассоциация вилоят бўлими раҳбари. – Биз айнан ушбу қарор ижросини таъминлашга қўлқўлашамиз.

Лойиҳа охириги йилларда экологиянинг ёмонлашуви оқибатида вилоят аҳолиси ўртасида соғлом ва ўсма касалликларнинг ўсиши, айниқса, аёл-

лар, болалар ўртасида кўпга кузатилаётганлиги билан бевосита боғлиқ. Айнан Хива ва Қўшқўпир туманлари танланиши ҳам бежиз эмас. Маълумотларга кўра, охириги 5 йил ичида ушбу туманлар аёллари ўртасида кўрақ беши саратони 11,2 фоизга, бачадон бўйни саратони 12 фоизга ортган (вилоятда 10,9 ва 11 фоиз).

– Таҳлил қилганимизда, бу аёллар соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш қоидаларига умуман риоя қилмасликлари аниқланди, – дейди лойиҳа координатори Шавкат Атаханов. – Аксарият аёлларнинг асаблари жойида эмас. Қолаверса, атроф-муҳитнинг зарарли омиллари ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Лойиҳа муаллифлари катта оилаларда яшайдиган аёлларнинг 47 фоизда ҳар хил сурункали гинекологик касалликлар ва мастопатиялар учрашини аниқлашди. Шулардан 24 фоизи қишлоқ ҳўжалик ишлари билан банд овқат режими йўқ, кундалик овқатланиш рационида қовурилган маҳсулотлар, хамирли озиқ-овқатлар, ширинликлар кўп. Фақат 8 фоиз аёллар жисмоний тарбия билан машғул. Таҳлил жараёнида мулоқот қилинган аёлларнинг 17 фоизига соғлом турмуш тарзи тўғрисида тушунчага эга экан. 35 фоиз оилаларда болалар турли спорт тўғрақларига қатнашади. Қишлоқларда аҳоли тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Қўшқўпир ва Хива туманларида атроф-муҳитни санитария экологик жиҳатидан текшириш учун олинган сув, ҳаво, туПРОҚ намуналаридан зарарли химиявий моддалар қолдиқлари мавжудлиги аниқланди.

– Лойиҳанинг мақсади аҳолини тубдан ўзгартириш. Аниқроқ айтганда, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини, рационал овқатланишни тарғиб қилиш ва аҳоли ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик

пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, – дейди тиббиёт фанлари номзоди С. Полвонова.

Лойиҳа координаторининг билдиришича, ютиб олинган маблағларнинг 75 фоизи дастур асосида амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун сарфланади. Жумладан, тиббий ходимлар ва лаборантларни ўқитиш ва уларни методик қўлланмалар билан таъминлаш кўзда тутилган. Ўз вақтида скрининг ўтказиш учун сарфлаш материаллари ва тест-реактивлар (пап-тестлар), диагностикалар сотиб олинади. 2000 та оила аъзолари онкологик касалликларни дастлабчи босқичда аниқлаш мақсадида чуқур тиббий кўриклардан ўтказилади ва тиббий-маслаҳат ёрдами берилади. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида замонавий ва юқори технологик ягона маълумотлар базаси (канцер-регист) ускуна билан жиҳозланади ва саратон хасталигининг олдини олиш самарали дастури ишлаб чиқилади. Оилавий поликлинника ва ҚВПларда «Соғломлаштириш хона»лари ташкил этилади. «Соғлом оила – жамиятнинг кучи» шiori остида спартакиадалар ўтказиш, семинар ва конференциялар ташкил қилиш ва бошқа тадбирлар белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси вилоят бўлими моддий-техник базаси яхшиланади.

– Олиб борадиган чора-тадбирларини натижасида, фаолиятга янги тиббиёт технологиялари ва даволаш усулларини қўллаш орқали аёллар ва болалар соғлигини муҳофазат қилиш янада кучайтирилади. Онкологик касалликларга учраган аёллар ва болаларга ижтимоий-ҳўқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатилиб, ижтимоий ҳолатлари яхшиланади, – дейди лойиҳа раҳбари. – Қолаверса, аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя қилиш кўникмалари шакллантирилади. Бу эса нафақат ўсма, балки бошқа касалликларнинг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

**ОХИРГИ 5 ЙИЛ ИЧИДА ХИВА ВА ҚЎШҚЎПИР ТУМАНЛАРИ АЁЛЛАРИ ЎРТАСИДА**

**Кўрак беши саратони 11.2 фоизга ортган**

**Бачадон бўйни саратони 12 фоизга ортган**

**(вилоятда 10,9 ва 11 фоиз).**

Машҳур кардиожарроҳ Николай Амосов «Шифокор саломатлигини таъминламайди, бор-йўғи касални даволайди, соғлом бўлиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ» деган эди. Мана шу ҳақиқатни ҳар биримиз тушуниб олмас эканмиз, энг тараққий этган тиббиёт ҳам ожиз қолаверади. Шу кунларда врачлар ассоциацияси Хоразм вилояти бўлими ходимлари кўнгилли шифокорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба ёшларни жалб қилган ҳолда, вилоятнинг энг чека қишлоқларида аҳолига саломатлигининг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Бу жараёнда уйни саранжом тутиш, жисмоний машқлар бажариш, болаларни спорт тўғрақларига бериш, гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳақида мулоқотлар уюштирилмоқда. Аёллар ҚВП ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиниб, уй шароитида кам-харж салатлар, шарбатлар, фойдали

таомлар тайёрлаш бўйича амалий машғулотлар олиб борилмақда. Аҳолининг онкологик ҳушёрлигини оширишга алоҳида ёндашилаётир. Онкологик касалликларнинг илк белгилари қандай, нима учун ҳар олти ойда тиббий кўриқдан ўтиш керак, касаллик биринчи босқичда аниқланса, қандай натижага эришилади, тўртинчи босқичда аниқланса, нима бўлади – буларнинг барчаси кўргазмалы материаллар, ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилмоқда.

Тез орада эса чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ҳам бошланади. Профилактик мақсадларда доривор гиеҳлар бепул тарқатилади. Ўйлаёмизки, чора-тадбирлар ўз самарасини бериб, онкологик касалликларни чеккинишга мажбур қилади.



Мухаббат Тўрабоева, «Ishonch»

## Қашқадарё вилояти

Яккабоғ тумани «Яшнобод» МФЙ Жарқирғиз қишлоғида яшовчи Кенжа Ражапов таҳририятга хат йўллаб, қишлоғидаги бир гуруҳ фуқаролар, жумладан, Фахриддин Бердиев, Фарход Сатторов, Йўлдош Мусурмонов, Улуғбек Бегнаев, Санобар Бойназарова, Суюн Нурматовлар Бош режа асосида қолдирилган, М-39 магистрал йўлига олиб чиқадиган ички йўлни ўзбошимчилик билан ёпиб қўйишгани, йўл ўрнида экин ва дарахтлар экиб олгани, иморатлар қурганини билдирган ва йўлни очишда ёрдам сўраган эди.

# Хўжакўрсинга қилинган ижро

### ёхуд Бош режадаги йўл очиладими?

Масалани ўрганиш мақсадида Яккабоғ туманида бўлди. Дарҳақиқат, ариза муаллифи тақдим этган ҳужжатлар орасида Яккабоғ тумани Яка тартибда уй-жой қурилишларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи берган хулосада ҳам мактаб ва канал ўртасида 17 метр жой қолдирилгани ва бу ерда турли қурилишлар қилиш, ҳар хил экинлар экиш мумкин эмаслиги қайд этиб ўтилган.

Шунингдек, Объектларнинг қонунийлигини текшириш бўйича туман комиссияси хулосасида ҳам хатда тилга олинган фуқароларга «Огоҳлантириш хати» берилиб, тилга олинган майдон, яъни йўл ўрни тагидан «Яккабоғ-Муборак» сув қувури ўтгани боис, иморатлар қуриш, экинлар экиш мумкин эмаслиги билдирилган ва бошқа жойдан ер участкаси олиши мумкинлиги тушунтирилган. Воқеалар ривожидан бошқа ҳудуддан бу фуқароларга ер участкаси ҳам ажратиб берилган. Ўрганиш чоғида маълум бўлдики, фуқаролар туман комиссияси хулосасини олган, йўл ўрнида қураётган иморатларнинг деворларини ағдарилган, пойдеворини бузишган. Аммо 17 метр ҳудудни ўз ҳолига қайтариш ўрнига ағдарилган девор ўрнида симтўр тортиб қўйишган.

– Алихўжа, Хўжаали бўлди, – дейди Кенжа Ражапов. – Деворни ағдариб, ўрнига симтўр тортиб қўйишди. Бош режа асосида қолдирилган йўл эса очилмади. Фақат раҳбарларнинг кўзица «хўжакўрсин» қилиб, деворни ағдарилди холос. Йўл ўрнида экилган дарахтлар ҳам, бошқа экинлар ҳам олинмади.

Хўш, кўпсонли, нуфузли туман комиссияси хулосасига, «Огоҳлантириш хати» олганига қарамай, йўл ўрнида ҳар хил экин экиб олган фуқаролар бу ҳолага қандай муносабат билдиради?

Йўл ўрнида экин экиб фойдаланиб турган Тоғаймурод Нурматовнинг (Аризада тилга олинган Суюн Нурматовнинг акаси) айтишича, у 2008 йил 14 май санасида Яккабоғ тумани ҳокими қарорини чиқартириб, 0,1 га майдонга тенг ҳудуддан вақтинча, аниқроғи, 10 йил мuddатга ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиб туриш ҳақидаги ҳужжатга эга. Шундан буён ташландиқ ҳудудни обод қилиб, экин экиб, дарахт кўкартириб, фойдаланиб келган.

Хозир 2019 йилнинг сентябрь ойи эканини назарда тутсак, Т.Нурматовнинг ўн йиллик ижара мuddати ҳам якунига етганини билиш мумкин.

– Йўл қурувчилар келиб, шу ердан йўл соламини, дейишса, қаршилигим йўқ, – дейди Тоғаймурод ака. – Марҳамат, йўл кураверилсин. Бўшатиб бераман.

Аслида, аризада тилга олинган бошқа фуқаролар ҳам «Йўлни очмайман» дейишмайдилекин. Лекин ўзларидан билиб, очиб ҳам қўйишмайдилекин. Ваҳоланки, улар бу ҳақда огоҳлантирилган.

Хулоса шуки, ариза муаллифи М-39 магистрал йўлга олиб чиқадиган, бош режа асосида қолдирилган ички йўлнинг очирилиши истаяпти. У ўн йилдан ошиқ вақт ичида турли ташкилотларга ёрдам сўраб, мурожаат қилган.

Мутахассислар келишган, ўрганишган. Йўлни очиб қўйиш ҳақида хулосалар берилган. Ижронинг чала қилиниши оқибатида йўл ҳақида очилмай келаётир. Йўл ўрнида экин экиб фойдаланаётганлар ҳудуддан ноқону-

## Журналист суриштируви

ний фойдаланишаётганини билишди. Йўлни очиб қўйишлари учун уларга бошқа жойдан ер участкаси ҳам ўлчаб берилган ва улар ҳозир ўша жойларда яшашяпти ҳам. Аммо улар Кенжа Ражапов очирилиши сўраган йўлнинг ўрнидан ҳалигача фойдаланиб келишмоқда.

Аслида, маҳалла фуқаролар йиғини расиси билан ҳамкорликда, шу ҳудуднинг ўзидаёқ, Жарқирғиз қишлоғидаёқ осон ҳал бўладиган масала нега 10-15 йилдан буён ечилмаяпти? Кенжа Ражапов яна неча йил йўлни очишларини сўраб, яна қанча ташкилотларга хат ёзиш керак? Яна қанча одам бу масалада Жарқирғиз қишлоғида ўрганишлар олиб бормоғи зарур? Ўзларига уй-жой учун бошқа жойдан участка ажратилса ҳам йўл ўрнини бўшатмасликка уларни нима мажбур қилапти? Эҳтиёжми, заруратми, кибрми, хуСУМАТМИ? Билмадик...

Масаланинг эса икки ечими бор. Бири юқоридаги фуқароларнинг Объектларнинг қонунийлигини текшириш бўйича туман комиссияси хулосасини ҳурмат қилиб, йўл ўрнини бўшатиб қўйишлари. Иккинчиси, улар бундай қилишмаса, Яккабоғ тумани ҳокимлиги уларга нисбатан Фуқаролик судига даъво аризаси киритиб, адолатни қарор топтиришда суддан ёрдам сўраши!

Не бўлганда ҳам фуқароларимиз ўзаро

**Мутахассислар келишган, ўрганишган. Йўлни очиб қўйиш ҳақида хулосалар берилган. Ижронинг чала, қилиниши оқибатида йўл ҳалигача очилмай келаётир. Йўл ўрнида экин экиб фойдаланаётганлар ҳудуддан ноқонуний фойдаланишаётганини билишди. Йўлни очиб қўйишлари учун уларга бошқа жойдан ер участкаси ҳам ўлчаб берилган ва улар ҳозир ўша жойларда яшашяпти ҳам. Аммо улар Кенжа Ражапов сўраган йўлнинг ўрнидан ҳалигача фойдаланиб келишмоқда.**

аҳил бўлишса, майда-чуйда муаммоларни шу жойнинг ўзида ҳал этиб, бир-бирини, давлат ташкилотлари қарорини, қонунларимизни ҳурмат қилишса, бепанаслик назарини меҳр-оқибат туйғулари билан алмаштиришса, бунда кўнгиллар ҳам шодланади, қалблар ҳам равшан тортади.

Шу ўринда бир ривоят эста тушди. Икки одам ерга талашяпти: – Бу ер меники? – Йўқ, меники. Ана шунда ер тилга кирибди: – Талашман! Иккинчиз ҳам меникисиз...



Акmal Абдиев, «Ishonch»

## КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛАЙ?..

11 Шайхонтоҳур тумани прокуратураси мен яшайдиган жойдан анча узоқ. Мен «Оқтепа» маҳалласида турман. Прокуратура Юнусобод – «Минор» қабристонлари тарafdа. У ерга борсак, прокурор жанобларини топа олмай қайтиб келаман. Бир неча бор бордим. Е мажлиста ёки яна қаергадир кетган бўлади. Телефон қилсак олишмайди. Амаллаб топганимизда эса ҳар гал қандайдир ҳужжат (Онамнинг саратон билан касаллангани ҳақида онкологиядан маълумотнома, поликлиникада руйхатда туриши ҳақида маълумотнома, МРТдан ўтказилгани ҳақида маълумотнома, Сурхондарёга кўмилгани ҳақида маълумотнома, «Тез ёрдам»келганда айнан ким келгани, ҳатто ўша Равшан Убаевнинг телефонигача топиб бердим)...

Аслида, барча керакли ҳужжатлар бошиданок тақдим қилинган эди. Сўровнома юборишга эринадим, югуртиришдади хуллас.

Ха майли, хат юборса, қачон етиб борадию, қачон жавоб келади, деб оийм даволанган тиббий муассасаларга чопиб, югуриб елдим. У ерда ҳам расмиятчилик, куттиришларни гапирмасам ҳам бўлади. Е шифокор операцияда бўлади ёки мажлиста кетган бўлади ёхуд бош шифокор бўлмайди, хуллас... у ёғи эрта-индин, яна навбат кут, вақтни йўқотиш дегани.

Орадан 3-4 ой ўтдики, прокуратурадан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ҳатто номига, хўжакўрсин ё расмиятчилик учун ҳам кўнгирак қилишмади беришди. Ишлари жуда кўп-да! Охири Президент халқ қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. У ерда ҳам кўриб чиқиш мuddати ичида хабар берилиши айтилди. У ердан Бош прокуратурага чора кўриш тайинланган чамаси, Бош прокуратурадан кўнгирак қилиб, яна обдан тафсилотларни сўрашди. Улар яна айланиб, ўша Шайхонтоҳур тумани прокуратурасига йўллаганиди. Туман прокуратураси эса ниҳоят «ўлим ҳақидаги гувоҳнома»ни фақат суд орқали олишим ҳақида маълум қилишди. Хат юборишганимиз. Ҳеч қандай жиноят аломатлари йўқлиги учун (яъни оиймини ҳеч ким захарламагани, жонига қасд қилмаганига ишонч ҳосил қилишимиз деб) чидаб келаётганим.

– Модомики, поликлиникадан маълумотнома олишимизга ижозат бера олмас экансизлар, нега шу пайтгача унда сарсон қилингангиз? – десам... Жавобни қаранг: – Битта йўли экзгуманация қилиш экан, бошқа чорамиз йўқ экан, бу эса мусулмончиликка тўғри келмайди, – дейди. – Мусулмончиликка тўғри келса, келмаса, барча тиббий хулосаларга ишонмасангизлар, марҳамат, бемалол экзгуманация қилишингизлар мумкин, – десам ҳам бориб ўзидан соқит қилди.

Почтага бориб, аранг почтачи аёлни топганими гапириб ўтирмай. Суд эса ФХДЕ орқали олмаси, дейди. ФХДЕ маълумотномани берса овера бўлармикин, шунча пайт десам, «бер-

маса бермайман деб, қоғоз ёзиб берсин» дейди. Шунанга маълумотнома ёзиб беришигиз ишонмасам-да бордим. Шайхонтоҳур туманидаги ФХДЕдаги қиз унақа маълумотнома беролмаслигини айтди. Биринчи марта ҳам фақат телефон орқали поликлиника шифокори билан оғзаки гаплашганди. Яна Президент халқ қабулхонасига амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилишимга тўғри келди!

Кеча ФХДЕдан кўнгирак қилишди. Уларга Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятидан «Чора кўриб, жавоб ёзингиз» деб буюриш бди эмиш. Яна ўша эски ашула. Поликлиникадан олишимиз керак эди ва ҳоказо. Аммо бу сафар беролмаслиги ҳақида қоғоз ёзиб беришди, ҳартугул. Аниқса, ФХДЕ мудираси вазифасини вақтинча бажарувчи М.Маҳкаммова ва Г.Бурҳоннова рад, жавобини беришганига қарамай, хушмуомала эканликларидан бироз кўнглим таскин топди. Шу давр орасида мен саргайган мутасадди ташкилотларда илк маротаба одамга ўхшаб муомала қиладиганлари ҳам бор экан-ку. Хайрият!

Ҳаммаси фақат маслаҳат беради ё ақл ўргатади, аммо амалий ёрдам беришмайди, чора кўришмайди! Бир-биридан соқит қилиб, отангга бор, онангга бор, деб олти ойдан бери сарсон қилишяпти. Олти ой деганда мерос тақсимланиши керак – нотарус хузурида. Қолаверса, биз турган уйлар ҳам бузилиш руйхатини тушган. Ҳужжати борлар уйлари бузилиб қанча сарсон бўлишаётганларига барчангиз гувоҳсиз! Уй менинг номимга ўтмаган. Шу пайт бузилса онамнинг «ўлим ҳақидаги гувоҳнома»сиз уй бериладими менга? Албатта, бунга шубҳам бор! Наҳотки, биргина поликлиникадан маълумотнома олишга ақлимиз етмагани, қолаверса, ўша пайтда шокда бўлганимиз туфайли шунча овера қилишса?!

Барчангизларга мурожаат қилишимдан мақсад биргина саволим бор: оназоримнинг «ўлим ҳақидаги гувоҳнома»сизни олишим учун кимга мурожаат қилишим керак? Яна судга боришим керак назаримда. Аммо фуқаролик суди эртага маъмурий суд кўради ё жиноят ишлари бўйича суд текшириб чиқадидемаслигига қафолат бормикан? Умуман, улар ҳам яна ярим йил чўзишадими? Наҳотки, бошига мусибат тушиб шундоқ ҳам стресс ва депрессиядаги одамни ярим йиллаб у идорадан бу идорага сарсон қилишса!

Музаффар УМБАРОВ

**ЭСЛАТМА:** Илтмос, адвокатларга мурожаат қилишни маслаҳат бермангиз. Бошида адвокат еллагандим. Уларнинг дарди фақат пул экан, аслида. Бирок ҳеч қандай натижа бўлмади. Шу сабабли адвокат билан боғлиқ тафсилотларни эслашни ҳам, тилга олишни ҳам истамдим.



Камолитдин Раҳимовнинг ўзбек қўшиқчилиги санъатида муносиб ўрни бор. Қўшиқ ва ашуллари санъаткорнинг ички маданиятига уйғунлашиб, ажиб бир сеҳр касб этган. Бу сеҳр нафақат соҳир овози, балки сўбатига мос бўлмаган тарзда ҳаракат қилувчи чаққон қўл ва бармоқларида ҳам мужассамлашган. У киши камгап ва қаноатли, мулоҳазали, машҳурлигидан уяладиган, ўзига интиқ ва интизор одамлардан қимтинадиган донишманд бир зот эди.

## Буюк қалб эгаси

Мен сув қайнаб, мотор қизиб кетаётганини айтдим.

Камолитдин ака ўғлини қақриб, вазиятни тушунтирди. У ишга киришиб кетди. Шунда Камолитдин ака мени уйига таклиф қилди: «Бугун дам олиб, эрталаб кетасиз». Машинада онам ва холам ўтиргани, Бувайдада бизни кутишаётганини айтиб, узр сўрадим. У киши улар билан ҳолаҳвол сўради: «Бизникида меҳмон бўлиб кетмасанлар хафа бўламан», деди. Онам Камолитдин акани дуо қилди, шонлиётганимиз сабабини тушунтирди. Бу пайтда ўғли машинани тузатиб бўлган эди. Камолитдин ака бизни кузатиб қўйди. Устоз ана шундай дарёдил инсон эди...

1993 йили «Ахборот» информатсион дастурида Ўзбекистон Президентининг Камолитдин Раҳимовга табрик телеграммасини ўқиб бахтига муяссар бўлдим. Унда Президент Ўзбекистон халқ артисти Камолитдин Раҳимовни 50 ёшга тўлгани муносабати билан табриклаб, санъат ривожини, мусиқа маданиятида алоҳида ўрни борлигини ҳурмат билан тилга олган эди.

Камолитдин Раҳимовнинг ижод намуналари ҳақида сўз кетганда шундай дегимиз келади: мумтоз ашулардан тортиб, ўтган аср бошларида яратилган ва етук устозлар томонидан заргарона ижро этилган ва ўзи муаллифи бўлган ўзбек анъанавий ҳамда замонавий қўшиқлари янграганда улуғ боболар, фариштаси бор момолар, қирқ кокил қизалоқлар-у, чавандоз йиғитларгача қаерда ва нима иш устида бўлишларидан қатъи назар, юзи ўзгаради, машғулоти секинлашади, кўнгилларида ўзгариш бошланади.

«Кўнгиллар мулкани обод этар бир сўз, Кўнгиллар мулкани барбод этар бир сўз. Ширин сўзда бўлур иқбол, бўлурмиш бол, Юрак бағринг умрбод шод этар бир сўз», дея жўшиб куйлаган буюк санъаткор буюк шахс, улкан қалб эгаси эди. У кишининг истеъдоди ҳам, одамгарчилиги ҳам бетақордир. Инсоннинг исми жисмига, тақдир йўлига, хулқ-у одобиغا, айтар сўзига мос келиши айна Камолитдин ака тимсолида намоён бўлган эди.

Муслимбек Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Асли касбим меъмор бўлса-да, миллий мумтоз ва замонавий ашулчиликка ихлосим баянланд. Отажон оға, Бобомурод ака ва Олмадон опа билан бир саҳнада ашула айтганларим бор. Овоз имкониятларимга Отажон устоз, дўстим Ўлмас Сайиджонов ижобий баҳо беришган.

Санъатга бўлган қизиқишим боис, 1999 йили иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг йўл очиб беришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган Отажон Худойшукуров жамғармасига раис этиб тайинландим. Тўғри, охириги 3-4 йилда айрим сабаблар билан устоз хотирасига бағишлаб ҳар икки йилда ўтказилиши анъанага айланган тадбирлар орқага сурилди.

Жорий йилда машҳур санъаткор Отажон Худойшукуров таваллудининг 75 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрямиз.

Ўзбек санъати ривожига ўзининг салмоқли улушини қўшган хушовоз хонанданинг шогирдлари, қўшиқларини маромига етказиб куйлаётган ёшлар бугун орамизда кўллаб топилади.

Ҳофиз номи ва ижоди билан боғлиқ кўрик-танловларда мана шундай иқтидори баян, унлаб талантли ёшларни кашф этмоқдамиз. Бўстон шахрида жорий йилнинг августда истиқлолнинг 28 йиллигига бағишлаб, ёш ижрочиларнинг «Эллиққалъа ол-



## Улуғ ҳофизга эҳтиром

тин овози» кўрик фестивали ва «Устозга эҳтиром» дея номланган хотира кечаси ўтказилди. Юқори савияда ташкиллаштирилган тадбирга воҳамиз ва қўшни вилоятлардан номдор санъаткорлар, шоирлар, ҳофизнинг шогирдлари ва оила аъзолари қатнашди.

Санъат ва маданият байрамида Шуқрулло Абдуллаев, Қувондиқ Сеттиев, Баҳодир Исмоилов каби бир қатор янги овоз соҳиблари ижро этган қўшиқлар тингловчиларга маъқул тўшиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Устоз Отажон Худойшукуров

номидаги жамғарманинг ташкил этилганига бу йил 20 йил тўлади. Жамғарма ҳомийлиги ва ташаббуси билан ўтказиб келинган тадбирларда ўнлаб ёш истеъдод соҳиблари юртга танилиб, машҳур санъаткорлар бўлиб етишди.

Мамлакатимизда ижод аҳлига ҳар томонлама қўлайликлар яратиб берилмоқда. Биз ҳам ўз имкониятларимиз даражасида ёш истеъдод эгаларини излаб топиб, уларни санъатимиз ва маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшадиган йигит-қизлар бўлиб элга танитиш ниятида фаолият олиб бораёмиз.

Ибодулла САЪДУЛЛАЕВ, Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма раиси

### Сирдарё вилояти

### Анжуман

Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабига буюк адиб Абдулла Қодирийнинг 125 йиллиги муносабати билан анжуман ташкил этилди.

## Қодирий мероси – авлодлар нигоҳида



Унда вилоят ҳокимлиги вакиллари, бир қатор ташкилотлар раҳбарлари, адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, шоирлар, маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Сирдарёга бундан уч-тўрт йил муқаддам келган эдим, – деди адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров. – Бугун Гулистонни айланганим, ҳақиқий гулистонга айланганимнинг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Ҳалима Худойбердиева номидаги мактабнинг очилиши шаҳарга янада зийнат бағишлабди. Абдулла Қодирийнинг 125 йиллиги шундай катта тантана, улкан шоданилар билан нишонланиши сирдарёликларнинг Қодирий бобомизга буюк муҳаббатининг нишонисидир.

Унда иқтидорли, элга, юртга, миллатга чин дилдан хизмат қилишга шай ижодкор бўлишни тилади. Абдулла Қодирийнинг набираси Хондამир Қодирий ҳозирги кунда бобоси ижодига эҳтиром ниҳоятда баланглигини, у яшаб ўтган уй бунгунги кунда музей қилинаётгани, асарлари чоп этилиши бир йилда юз минг нусхадан ошганини эътироф этди. Ижод мактабидан Абдулла Қодирий издошлари етишиб чиқишини чин дилдан истаганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда ўқувчилар шеърлар ўқиди, «Ўткан кунлар» асаридан саҳна кўринишини намойиш этишди.

Яқунда иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммад ИСМОИЛ, Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори

Эълонлар  
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси томонидан «GREAT BLESSING SERVICES» МЧЖга берилган АТ №2541433, АТ №2421403 рақамли лицензия ва рақамлари йўловчини сабабли бекор қилинади.  
Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2019 йил 10 февралда №001687-01 рақам билан рўйхатдан ўтган «PERLOMONTA» МЧЖ (СТПР: 201125526) корхона таъсисининг 2019 йил 9 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.  
Дальволар Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 4-тоқ Лоҳин кўчаси, 4-йи манзили ҳамда (97) 740-70-70, (97) 782-62-53 телефонлари орқали қабул қилинади.

## ТИРИКЛИК ТАНАЗЗУЛИ

ёхуд ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари нега ортмоқда?

Кўпчилик бунинг сабабини динсизлик, маърифатсизлик, тўқчилик ва йўқчилик, ишқ-муҳаббат, руҳий хасталик ва турли кўрқув аломатлари билан боғламоқда.

Келинг, уларни бирма-бир таҳлил этиб кўрайлик.

Динимиз нафақат ўз жонига қасд қилишни қоралаган, балки унга олиб борадиган йўللари ҳам беркитган. Масалан, мусулмон киши ўзига ўлим тилаши мумкин эмас. Чунки амаллар солиҳ бўлиб, умрнинг узун бўлиши биз учун катта мукофот ҳисобланади.

Бугун бу борадаги тарғибот етарли даражада деб ҳисоблаш мумкин. Ваҳоланки, ислом динини тарғиб қиладиган масжидлар сони мустақилликкача бўлган даврда мамлакатимизда бор-йўғи саксонтаки ташкил этган бўлса, айни паллада икки мингтадан ошиб кетди.

Қонунлар ишлаб турибди, тўқчилик шўхлик қилганлар қатъий жазоланмоқда. Бозор расталари, дўконлар озиқ-овқат маҳсулотларига тўла. Касалхоналарда дори-дармон етарли, малакали шифокорлар тобора кўпаймоқда. Ишқ-муҳаббат таъсири ҳали бизнинг фарзандларимизга, оилаларимизга ўзимизга ўйлаганчалик таъсир ўтказма олган бир пайтда, менимча масала ечимини бошқа жойдан излаш лозимдир.

Аниқ айтиш мумкин, ёшлар ва аёллар ўртасида ўзини ўзи қурбон қилаётганларнинг кўпайиб бораётганига юқоридаги сабаблар туртки бўлаётгани йўқ.

Хўш, унда сабабини қаердан излаш лозим?

2019 йилнинг олти ойи давомида Самарқанд вилояти Иштихон туманининг қирқ бир қишлоғида ёшлар орасида 6 бор ўз жонига қасд қилиш ҳолати кузатилди. Уларнинг тўрт нафари мактаб

ўқувчиси бўлса, икки нафари эндигина 30 ёшга қаршилаётган эди.

Таҳлилчиларнинг фикр-мулоҳазаларига қараганда, ўз жонига қасд қилиш асосан 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган ўсмир ва ёшлар ўртасида кўпроқ кузатилмоқда. Аёллар ўртасида ҳам бундай мудҳиш воқеалар тез авж олиб бормоқда. 2016 йилда биргина Самарқанд вилоятида



145 аёл ўз жонига қасд қилган. Бу ҳали рўйхатга олинганлари. Чунки хатта тушманганлари ҳам бор.

Баъзида аёллар ўзларига бўлган зулм-зўравонлик сабабли бу ишга қўл уриши мумкин. Жорий йилнинг 3 сентябрдан «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўллаб қўллаб бўлиши мумкин. Аммо қонунлар тарғиботи ҳақида кенг

тушунчалар бўлмас экан, у илдизга етиб бормайди.

Наздимда, жамиятда тобора чуқур илдиз отиб бораётган ҳар қандай иллатга бепарволигимиз сабаб бўлади. Жумладан, руҳий тушунликка тушиб қолган замондошларимизга ўз вақтида

ёрдан бера олмаймиз. Бунинг унинг муаммоси деб биламиз. Аслида, бу иллат эпидемия каби ёйилиши мумкин.

Қолаверса, бизда, умуман, дунёда бу борада тизимли ишлаш масаласи ташкил қилинмаган. Моҳият, сабаб атрофлича ўрганилмайди. Керакисиз илдизга болта урилмайди, керакли жойга малҳам қўйилмайди. Бир қишлоқда 6 ойда 6 на-

фар инсон ўз жонига қасд қилса-ю, ҳеч ким жавобгарни изламаса, ҳеч ким жавобгарлик ҳиссидан чўчимаса, демак, ҳар жойда ва ҳар қачон қандай бўлмасин ўз камининг ўзинг тўлдири, ўз ғамингни ўзинг еявер дегани-да.

Буниси ҳам майли. Эскидан қолган одатимиз бор – сабаб-бесабаб ҳамма нарсани маҳалланинг, жамоатчиликнинг, қўшнларнинг ва ошиб борса мактабларнинг зиммасига юклаймиз. Бир қишлоқда олти ойда олти киши ўзини ўлдирди. Аммо ишонганимиз – маҳалла худуди шу масалада ҳеч қандай тадбир ўтказмади. Вазиятга худди шундай бўлиши қутилганидек қаралди.

Ана шу олти нафар боланинг бири бизга яқин мактабда ўқир эди. Фожиа юз берган кун мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари катта байрам тадбирини ўтказишди. Жамоатчилик эса аксарият қишлоқларда, маҳаллаларда ўз таъсир кучини аллақанда йўқотиб бўлган. Бас, шундай экан, ўз жонига қасд қилишга қарши қандай курашиш мумкин? Фожиага жиддий тўсиқ бўла оладиган қандай тизим ёки иш услубини қўллаш лозим?

Менимча, бу борада «Мактаб – оила – тиббиёт – ички ишлар – маҳалла» тизимини ишлатиш зарур. Негаки, биринчидан, бола ҳаммаша мактаб ва оила даражасида бўлади, иккинчидан, бола ўсмир ёшидан бошлаб ҳар томонлама этилиб боради. Айна шу ёшларда уларга оила қуриш, севиш ва севилиш, гигиена ҳақида тиббий ва маънавий тушунча бериш сув билан ҳаводек зарур бўлади. Ва айнан шу тобора фарзандларимизга оила, ишқ-муҳаббат можароларининг салбий оқибатлари тўғрисида ва бунинг учун жазо муқаррарлиги борасида ички ишлар ходимлари етарлича тушунча бериши фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, турли бадий тадбирларда, ижодий учрашувларда албатта келажак, танланиши лозим бўлган касб-кор, севиб, севилиб яшаш ҳақида сўз бориши табиий. Демак, бола бундай учрашувлардан ўзига керакли сабоқни ола билади. Мактабдан қолмайди, алданмайди, ваҳимага тушмайди ва ўзига нисбатан ишончи ортади. Яшани ўрганади. Худди шу йўналиш асосида 16-17 ёшгача тарбия олган ўқувчидан эртага жамият ҳам катта фойда кўради.

Умр бизга берилган энг катта сивовдир. Алшёр Навоий ўз ҳикматларида: «Саксон йил яшаг учун саксон йиллик сабр керак», деганлар. Бу машаққатли сивовдан ўтиш бизнинг қомиллигимизни, маърифатли ва имон-этиқодли эканлигимизни белгилайди. Таъбир жоиз бўлса, шуни эслашни истардимки, тўғри яшаш, бировнинг ризқидан, хиёнат ва гуноҳлардан қўрқиб ҳам инсонни поклайди. Кўнгилларни турли иллатлардан – тирикликни эса таназзулдан сақлаб қолади.



Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch»

PS: Бу мавзу долзарблиги билан бирга, мулоҳаза ва баҳс таллаб-дир. Шу сабаб кенг жамоатчиликни, зиёлилар, руҳшуносларни мавзу доирасида фикр юритишга чорлаймиз. Зеро, муаммо ечимига хизмат қиладиган ҳар бир фикр ва таклиф жамият равақи учун муҳимдир.

Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. Бош муҳаррир: Хусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Хўшқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-йи. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета ishonchнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-йи. Баҳоиси келишилган нарҳда. Таҳририят хисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «protoka bank» Ўшобод филиали, Банк коди: 00959, СТПР: 201133889, ОКЭД: 58130.

Хўдудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Бухоро – (+998-99) 889-90-31. Жиззах – (+998-99) 889-90-34. Наманган – (+998-99) 889-98-02. Навоий – (+998-99) 889-90-28. Тошкент – (+998-99) 889-90-25. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32. Фарғона – (+998-99) 889-90-24. Хоразм – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов. Мусоҳиҳ: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов. ЎА яқини – 2340. Топширилди – 00:00. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюртма Г – 912. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5